

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВ УМБЕТАЛИ ТАЗАБАЕВИЧ

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМДА ЛОКАЛ ДЕҲҚОНЧИЛИК
АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.01.01–Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural
sciences**

Султанов Умбетали Тазабаевич

Марказий Қизилқумда локал деҳқончилик агротехнологияси

элементларини яратиш.....3

Султанов Умбетали Тазабаевич

Создание элементов агротехнологии локального земледелия в

Центральном Кызылкуме21

Sultanov Umbetali Tazabayevich

Creation of elements of agrotechnology of local agriculture

in the Central Kyzylkum.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВ УМБЕТАЛИ ТАЗАБАЕВИЧ

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМДА ЛОКАЛ ДЕҲҚОНЧИЛИК
АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.01.01–Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx266 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетидида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифанинг (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Алланов Холиқ Келдиёровиç,**
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент.

Расмий оппонентлар: **Болтаев Сайдулла Махсудовиç,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

Ибрагимов Одилжон Олимжоновиç,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон миллий университети**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2020 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел. (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz).

Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., профессор.

Ж.Х.Ахмедов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи яйлов чорвачилиги ҳисобланиб, ушбу яйловлардаги табиий ем-хашак ресурсларидан чорвачиликда кенг фойдаланиш натижасида, яйловларнинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Жаҳонда яйловлар майдони ер ресурсларининг 23 фоизини ташкил этади, бироқ уларга нисбатан босимнинг кучайиши чўлланиш жараёнини кучайтирмоқда. Ҳозирги вақтга келиб, дунё бўйича чўлланиш 9 млн/км² ни қамраб олган ва яна 30 млн/км² майдонга ҳавф туғдирмоқда¹. Ерлар деградацияси, чўлланиш ва биохилмаҳилликнинг йўқолиши яйловларни тиклаш ва сақлаш бўйича инсоният олдида турган бир қатор муаммоларни кескинлаштиради ва бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида деградацияга учраган ҳамда унумдорлиги жиҳатдан паст бўлган қумли чўл тупроқлари тарқалган яйловларнинг экологик ҳолатини яхшилаш ва озучабоп экинлар экиш бўйича устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, қумли чўл тупроқлари тарқалган яйловларда деградация жараёни натижасида тупроқ қатламида юзага келадиган ўзгаришларни аниқлаш, қумли чўл тупроқлари хоссаларини инобатга олиб, озучабоп ўсимликларининг истиқболли навларини экиш орқали яйловлардаги деградация жараёнининг олдини олиш, мавжуд ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда озучабоп экинлар етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамизда деградацияга учраган чўл яйлов тупроқлари унумдорлигини сақлаш ва ошириш, чўл яйловлари деградациясининг олдини олишга қаратилган агротехнологияларни жорий этиш орқали чўл яйлов чорвачилигини ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, глобал иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалиги ривожланишига салбий таъсирини юмшатиш» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу сабабли республикамиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун чорва молларини тўйимли озуча билан таъминлаш мақсадида мавжуд ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда озучабоп экинлар етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш, шунингдек ижобий натижаларни амалиётга жорий қилиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18-мартдаги ПҚ-4243-сон “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қуватлаш

¹ Ер ресурслари. <https://geographyofrussia.com/zemelnye-resursy/>

чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 16-августдаги ПҚ-4420-сон “Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2018 йил 14-мартдаги ПҚ-3603-сон “Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларида бедани ўғитлаш бўйича А. Кашкаров, З. Турсунходжаев, Н. Жононов, Н. Жумаев, И. Хўжаёров, Қ. Шодмонов, О. Раҳматов, Б. Холиқов, Я. Бўриев, А. Мирзаевлар; маккажўхорини ўғитлаш бўйича В. Хаккишев, Т. Намазов, М. Черкасский, И. Кимсанов, Х. Ғозибекова, А. Хаидаров, О. Хужманов, Д. Еденбаев, С. Бўриев, М. Хасанов, Р. Тиллаев, А. Розоқов, Т. Тошқўзиевалар; сидерат экинларни экиш бўйича Р. Орипов, Б. Холиқов, Л. Каримова, Н. Усмановлар ва тупроққа ишлов бериш усуллари бўйича эса В. Кондратюк, М. Мухаммеджанов, Қ. Мирзажанов, Ф. Хасанова, И. Карабаевлар, яйловлар ва улардан самарали фойдаланиш ҳамда чорвачиликни ривожлантириш бўйича М. Махмудов, С. Азимбоев, Н. Бобоқулов, А. Раббимов, Т. Муқимов, Қ. Хайдаров, Ш. Нарбаев, Н. Намозов, У. Норқулов, Х. Шералиев ва бошқа олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Навоий вилоятининг Марказий Қизилқум ҳудудидаги қумли чўл тупроқлари шароитида тупроққа ишлов бериш чуқурлиги, маъдан ўғитлар меъёрлари ва сидератларнинг беда ва маккажўхори етиштириш технологияларининг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ДИТД (ГНТП) №11.2.8.-рақамли “Чўлни ривожлантиришда маҳаллий сувлардан оқилона фойдаланиш (Қизилқум мисолида)” (2004–2006 йй.), АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаменти томонидан берилган UB–ARS–11B–2002 “Чўлнинг маҳаллий сув ресурсларидан фойдаланиб локал суғориш тизимини ривожлантириш” (2002–2004 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Қизилқум худудининг қумли чўл тупроқлар шароитида локал деҳқончиликда беда пичани ва маккажўхори яшил массасидан юқори ҳосил олишда маъдан ўғитларнинг мақбул меъёрлари, тупроққа ишлов бериш чуқурлиги ва сидератларни ўғит сифатида қўллаш агротехнологияси элементларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

беданинг ўсиши, илдиз тизимининг ривожланиши, тугунаклар ҳосил бўлишига, пичан ҳосили ва маҳсулдорлигига тупроққа ишлов бериш чуқурлиги ва маъдан ўғитлар меъёрининг таъсирини аниқлаш;

тупроққа ишлов бериш чуқурлиги ва маъдан ўғитлар меъёрининг тупроқ унумдорлигининг ўзгариши ва NO_3 , P_2O_5 ва K_2O ўғитлари микдорларининг таъсирини аниқлаш;

тупроққа ишлов бериш чуқурлиги ва маъдан ўғитлар меъёрларининг тупроқнинг сув-физик, агрохимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

маккажўхорининг ўсиши, ривожланиши ва яшил масса ҳосилига тупроққа ишлов бериш чуқурлиги ва маъдан ўғитлар меъёрининг таъсирини аниқлаш;

маккажўхори яшил массасининг озуқа бирлиги ва маҳсулдорлигига маъдан ўғитлар меъёри ва тупроққа ишлов бериш чуқурлигининг таъсирини ўрганиш;

маккажўхоридан сўнг экилган сидератларнинг тупроқ агрофизик ва агрохимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

қумли чўл тупроқлари шароитида беда ва маккажўхори етиштириш агротехнологияси элементларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Марказий Қизилқумнинг қумли чўл тупроқлари, маъдан ўғитлар меъёри, тупроққа ишлов бериш усуллари, сидерат (тритикале), беданинг “Хива”, маккажўхорининг “Ўзбекистон–601” ва тритикаленинг “Праг кумушсимои” навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети тупроққа ишлов бериш чуқурлиги, маъдан ўғитлар меъёрининг деградацияга мойил қумли чўл тупроқлари шароитида беда ва маккажўхорининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда сидератларнинг тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот услублари. Тажрибада барча кузатувлар, таҳлиллар ва ҳисоб–китоб ишлари умум қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы агрохимических анализов почв и растений почв», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах» қўлланмалари бўйича олиб борилган. Тажрибаларда олинган натижаларнинг математик–статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услуби бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Марказий Қизилқумнинг қумли чўл тупроқлари шароитида тупроққа ишлов бериш чуқурлиги, маъдан ўғитлар меъёри ва сидератларнинг тупроқнинг сув-физик ҳамда агрохимёвий хоссаларига таъсири аниқланган;

беданинг ўсиб-ривожланиши ва пичан ҳосилига тупроққа ишлов бериш чуқурлиги, маъдан ўғитлар меъёрининг таъсири аниқланган;

маккажўхорининг иккинчи ва учинчи йилда ўсиб–ривожланиши ва яшил масса ҳосилига тупроққа ишлов бериш чуқурлиги, маъдан ўғитлар меъёри ва сидератларнинг таъсири аниқланган;

тупроққа ишлов бериш чуқурлиги, маъдан ўғитлар меъёрининг тупроқ

унумдорлигига, агрофизикавий, агрохимёвий хоссаларига, беда пичани ҳосилдорлигига ҳамда маккажўхори яшил масса ҳосилига сидерат ўғитлар таъсирининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Марказий Қизилқумнинг озуқа унсурлари билан жуда кам даражада таъминланган қумли тупроқлар шароитида хўжаликдаги агротехник тадбирларни (ерни 28–30 сантиметр чуқурликда ҳайдаб, маъдан ўғитлар йиллик меъёрини $N-50$, P_2O_5-70 , K_2O-50 кг/га) қўллаш орқали беда ўстирилса 3 йилдан сўнг тупроқдаги чиринди миқдори дастлабки ҳолатидан (0,143 фоизга) ортиши, лекин $N-100$, P_2O_5-120 , K_2O-100 кг/га (2-йилида P_2O_5-240 , K_2O-200 кг/га) меъёрда қўлланилиб тупроқ 15–20 см чуқурликда ҳайдалса чиринди миқдорини янада (0,258 фоиз) ошириш мумкинлиги аниқланган;

беда етиштиришда биринчи йил маъдан ўғитларни $N-100$, P_2O_5-120 ва K_2O-100 кг/га, иккинчи йили P_2O_5-240 , K_2O-200 кг/га меъёрларда қўллаш орқали юқори пичан (101,4 ц/га) ҳосилини олишда тупроқни 15–20 см чуқурликда ҳайдаш мақсадга мувофиқлиги аниқланган;

маккажўхори етиштиришда маъдан ўғитлардан $N-250$, P_2O_5-175 , K_2O-125 кг/га меъёрда қўллаш орқали юқори кўк масса (700,1 ц/га) ҳосилини олишда тупроқни 15–20 см чуқурликда ҳайдаш мақсадга мувофиқлиги аниқланган;

беда ўсимлигидан 3 йилда пичан ҳосилини олишда юқори шартли соф фойда 713540 сўм/гани, рентабеллик эса 54,3 фоизни ташкил қилиб, тупроқ 15–20 см чуқурликда ҳайдалиб, маъдан ўғитлар биринчи йили $N-100$, P_2O_5-120 , K_2O-100 кг/га, 2-йили эса P_2O_5-240 , K_2O-200 кг/га меъёрларда қўлланилганда олинган;

маккажўхоридан энг юқори шартли соф фойда 2465800 сўм/гани, рентабеллик эса 86,4 фоизни ташкил этган ҳолда, тупроқ 15–20 см чуқурликда ҳайдалиб, маъдан ўғитларни $N-250$, P_2O_5-175 , K_2O-125 кг/га меъёрларда қўлланилганда олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория тажрибаларини олиб боришда тасдиқланган услублардан фойдаланганлиги, олинган маълумотлар математик–статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда олинган назарий ва амалий натижаларининг бир-бирига мос келганлиги, тажриба натижалари маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахасислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, Навоий вилояти қумли чўл тупроқлари шароитида маъдан ўғитлардан тўғри фойдаланиб, локал деҳқончилик тизимини яратиш, қумли чўл тупроқлари шароитида чорва моллари учун

беда ва маккажўхори етиштиришда биологик озука маҳсулдорлигини ошириш, чўл тупроқларида ем-хашак экинларини етиштириш орқали кўрик ерларни қишлоқ хўжалиги фойдаланишига киритиш, чўлланиш жараёнларини олдини олиш, чўл шароитида беда ва маккажўхори етиштириш технологияси элементлари илмий асосланганлиги ҳамда иқтисодий самарадорликга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тупроққа ҳар хил чуқурликда ишлов бериш, маъдан ўғитларни мақбул меъёрларда ва муддатларда қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш, чорва моллари учун озуқабоп экинлардан (беда, маккажўхори) сифатли ва юқори ҳосил олишга эришилганлиги ҳамда фермер хўжаликларнинг иқтисодий самарадорлиги таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Навоий вилояти Конимех тумани Қарақ-ата ширкат хўжалигининг қумли тупроқлар шароитида беда ва маккажўхори ҳосилдорлигини оширишда тупроққа ишлов бериш чуқурлиги ва маъдан ўғитлар меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

беда ва маккажўхоридан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида фермер хўжаликлари учун ҳаммуаллифликда “Марказий Қизилқумнинг мавжуд ер ва сув ресурсларидан фойдаланиб локал деҳқончилик агротехнологияси элементларини ишлаб чиқиш” номли тавсия ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 8 августдаги 02/029–1663-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиялар Навоий вилоятининг қишлоқ хўжалиги бошқармалари ҳамда чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида фойдаланилмоқда;

беда етиштиришда тупроққа ишлов бериш чуқурлиги ва маъдан ўғитлар қўллаш агротехнологиялари Навоий вилояти Конимех туманининг қумли тупроқлари шароитида 11 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 8 августдаги 02/029–1663-сонли маълумотномаси). Натижада тупроққа 15–20 см чуқурликда ишлов берилиб беда экинига, минерал ўғитлар $N-100$, P_2O_5-120 , K_2O-100 кг/га меъёрда қўлланилганда 2 йилда ўртача 94,6 ц/га пичан ҳосили олинди, назоратга нисбатан 33,1 ц/га қўшимча ҳосил олинган ва тупроқ унумдорлиги яхшилانган.

маккажўхори етиштиришда тупроққа ишлов бериш чуқурлиги ва маъдан ўғитлар қўллаш агротехнологиялари Навоий вилояти Конимех туманининг қумли тупроқлари шароитида 10 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 8 августдаги 02/029–1663-сонли маълумотномаси). Натижада тупроққа 15–20 см чуқурликда ишлов берилиб маъдан ўғитлар меъёри $N-250$, P_2O_5-175 , K_2O-125 меъёрда қўлланилиб, йил оралатиб экилган сидерат экини таъсирида 774,0 ц/га яшил масса ҳосили олинган. Икки йилда ўртача назорат вариантыга нисбатан ҳайдаш чуқурлиги ва маъдан ўғитлар меъёри ҳисобига 208,4 ц/га қўшимча ҳосил олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ҚХООТИИЧМ ва Тошкент Давлат аграр университети томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар университетнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича республика ва халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий мақола чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, маҳаллий нашрларда 3 та, хорижий нашрларда 1 та мақола чоп этилган. Шунингдек 1 та тавсиянома нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблилиги ва зарурияти баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **«Ерга ишлов бериш ва қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари юзасидан маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, изланишларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда беда ва маккажўхоридан юқори ҳосил етиштиришда турли тупроқ-иқлим шароитларида тупроққа ишлов бериш чуқурлиги, экиш муддатлари, сидерат экинлар ҳамда маъдан ўғитлар билан озиклантиришнинг муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш, шунингдек яйловлар ва улардан фойдаланиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар юзасидан олинган натижа, хулоса ва таклифлар баён этилган.

Адабиётлар таҳлилининг сўнгги саҳифасида Марказий Қизилқумнинг кумли чўл тупроқлари шароитида беда ва маккажўхоридан юқори ҳосил олиш борасида ишлов бериш чуқурлиги, экиш муддатлари, сидерат экинлар таъсири, маъдан ўғитлар билан озиклантиришнинг муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш, яйлов ва улардан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотлардан олинган натижа, хулоса ва таклифлар баён қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари баёни берилган.

Дала тажрибалари Навоий вилояти Конимех тумани Қарак-ата ширкат хўжалигида олиб борилган. Тажрибалар 16 вариант бўйича (тупроққа ишлов бериш чуқурлиги, маъдан ўғитлар меъёри) жами 1,31 гектар майдонда ўтказилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Беда, маккажўхори ва сидерат сифатида экилган тритикале ўсимликларини ўстириш ва таҳлиллар, кузатувлар «Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услуги», «Методика проведения полевых и вегетационных опытов с кормовыми культурами» сингари қўлланмалар асосида олиб борилган.

Тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, умумий азот, фосфор, калий И.М.Мальцева ва Л.П.Гриценко, нитрат шаклидаги азот Ионетрик асбобида, ҳаракатчан фосфор Б.П. Мачигин, алмашинувчан калий миқдори В.П.Протасов, ўсимликлар таркибидаги умумий азот, фосфор ва калийнинг миқдорлари бир намунада К.Е. Гензбург, Г.М. Щеглова ва В.В. Вульфийус, тупроқни механик таркиби ва ҳажм массаси Н.А. Качинский усулларида аниқланганлиги ушбу бобда баён қилинган.

Ҳамма вариантларда беданинг пичан ва маккажўхорининг яшил масса ҳосили такрорлашлар бўйича аниқланган. Бунда ҳар бир делянанинг 3 нуқтасидан (10 м²) намуналар олиниб, 1 га ҳисобига айлантирилган. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотларни аниқлиги ва ишончлилиги Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг дисперсион усули билан математик–статистик таҳлил қилинган. Сарфланган харажатлар ва олинган соф даромад «Методика определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов научных исследований» услубидан фойдаланилган ҳолда ҳисобланган.

Диссертациянинг «**Тупроққа ишлов бериш усуллари ҳамда маъдан ўғитларнинг тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсири**» деб номланган учинчи бобида Қизилқумнинг қумли тупроқлар шароитида тупроққа ишлов бериш усуллари ҳамда маъдан ўғитларнинг тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсири изланиш йиллари бўйича алоҳида баён қилинган. Изланишнинг биринчи (2006) йилида ҳайдаш чуқурлиги 28–30 см бўлганда маъдан ўғитлар N–100, P₂O₅–70, K₂O–50 кг/га меъёрларда қўлланилганда назорат вариантыда тупроқнинг ҳайдов (0–30 см) қатламида маккажўхорини экиш олдида, 2-суғоришда ва сут-мум пишиш даврида тупроқ намлиги (куруқ тупроққа нисбатан) мутаносиб равишда 19,5; 19,8 ва 16,8 фоизни ташкил қилган ҳолда сув захиралари 615; 658 ва 625 м³/га, лекин, ўғитлар меъёрини N–150, P₂O₅–105, K₂O–75 кг/га дан N–300, P₂O₅–210, K₂O–150 кг/га ортган сари тупроқ намлиги ҳам нисбатан ошиб боргани, вариантлар орасида нисбатан юқори намлик N–250, P₂O₅ –175, K₂O–125 кг/га миқдорларда қўлланилганда аниқланиб кузатиш маълумотларига мутаносиб равишда 0–30 см қатламда 19,8; 24,0 ва 18,0 фоизни, 30–50 см да эса 23,2; 26,1 ва 23,5 фоизни ташкил қилган. Тупроқни ҳайдаш чуқурлиги 15–20 см бўлган вариантларда 28–30 сантиметрлига нисбатан тупроқ намлиги 2–3 фоиз кўпроқ сақланганлиги



кузатилдики, бу усулда ишлов берилганда кумли тупроқларда суғориш сувининг сингиши (пастки қатламга) секинроқ бўлиб, натижада намлик узокроқ муддат сақланиши, бу вариантлар орасида нисбатан юқори кўрсаткичлар N–250, P₂O₅–175, K₂O–125 кг/га миқдорларда қўлланилганда олиниб, тупроқ қатламлари (0–30 ва 30–50 см) кузатиш муддатларига мутаносиб равишда 22,1–24,1; 23,8–26,2; 18,1–23,0 фоизни, сув захиралари эса 680; 732 ва 602 м³/га ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар албатта назоратга нисбатан юқори, хаттоки шу меъёрда ўғитлар солиниб, тупроқ 28–30 см чуқурликда ҳайдалган 8–вариантга нисбатан 2,3–0,9; 0,0–0,01; 0,1–0,06 фоизга ва 30,0; 7,2 ва 22,0 м³/га га юқори бўлган. 2007 йилни шароитида энг юқори кўрсаткичлар тупроқ 15–20 см чуқурликда ҳайдалиб N–250, P₂O₅–175, K₂O–125 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантда олиниб, 22,1–26,3 ва 710 м³/га; 25,8–29,4 % ва 800 м³/га; 22,3–27,1 % ва 735 м³/га ни ташкил қилган ҳолда 2006 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 0,0–2,2 %, 30 м³/га; 2,0–3,2 %, 68 м³/га ва 4,2–3,5 %, 53 м³/га юқори бўлишига сидерат экинларнинг таъсири борлиги аниқланган.

2006 йилни шароитида маккажўхорининг сут-мум пишиш даврида ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра тупроқ 28–30 см чуқурликда ҳайдалиб, N–100, P₂O₅–70, K₂O–50 кг/га меъёрда қўлланилган (назорат) вариантда тупроқни 0–30 сантиметрли қатламида 5–0,25 мм ўлчамдаги макроагрегатлар миъдори 58,1 фоизни, 30–50 сантиметрда эса 60,6 фоизни ташкил қилган. Маъдан ўғитлар меъёрининг ортиши билан бу кўрсаткичлар 8–вариантда (N–250, P₂O₅–175, K₂O–125 кг/га) мутаносиб равишда 73,5 ва 72,8 фоизга тенг бўлиб, назоратга нисбатан 15,4–12,2 фоизга кўпроқ бўлганлиги аниқланган. Ҳайдаш чуқурлиги 15–20 см бўлган вариантларда тупроқнинг донадорлиги ва сувга чидамли агрегатларнинг миқдори нисбатан ортганлиги кузатилган.

Тупроқни ҳайдаш чуқурлиги 15–20 см бўлганда ҳам маъдан ўғитларни N–250, P₂O₅–175, K₂O–125 кг/га меъёрида агрономик қимматли агрегатлар миқдори нисбатан кўпроқ бўлганлиги аниқланиб, тупроқни 0–30 см ва 30–50 сантиметрли қатламларида мутаносиб равишда 75,2–78,0 фоизни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан 17,1–17,4 фоизга, тупроқ 28–30 сантиметрда ҳайдалган 8–вариантга нисбатан эса 1,7–5,2 % кўпроқ бўлганлиги кузатилган. Маккажўхорининг сут-мум пишиш даврида 0–30 сантиметрли тупроқ қатламида 5–3 мм ўлчамдаги агрегатлар N–250, P₂O₅–175, K₂O–125 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларда ҳайдаш чуқурлигига мутаносиб равишда 16,95–17,60 фоизни ташкил қилган ҳолда 2006 йилга нисбатан 0,38–1,2 % ортганлиги аниқланган. Шунингдек 3–0,25 мм ўлчамдаги агрегатлар улушининг ҳам ошганлиги кузатилган.

2006 йил шароитида маккажўхорини экишдан олдин (тупроқ 28–30 см чуқурликда ҳайдалганда) тупроқни 0–30; 30–50 ва 50–70 сантиметрли қатламларида маъдан ўғитлари N–100, P₂O₅–70, K₂O–50 кг/га меъёрларда қўлланилган назорат вариантыда тупроқнинг ҳажм массаси мутаносиб равишда 1,40; 1,44 ва 1,50 г/см³ ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар ўсимликни 8-10 баргли вақтидан сут-мум пишиш давригача 1,43; 1,44; 1,52


г/см³ дан 1,44; 1,45; 1,56 г/см³ гача ортиб борган. 0–30 см ҳайдов қатламидаги ўзгаришларнинг таҳлили, маъдан ўғитлар меъёрини N–250, P₂O₅–175, K₂O–125 кг/га гача ортиши билан тупроқнинг ҳажм массаси маккажўхорининг ривожланиш даврларига мутаносиб равишда 0,0; 0,1 ва 0,2 г/см³ га камайганлиги аниқланган. Ҳайдаш чуқурлиги 15–20 см бўлган вариантларда ҳам ҳажм массасининг ўзгариши 0–30 см қатламда аниқланиб кўрсаткичлар 0,2; 0,0 ва 0,1 г/см³ га юқори бўлган (1–2-расмлар).



1–Расм. Экиш олдида тупроққа ишлов бериш усуллари ва маъдан ўғитлар меъёрининг тупроқ ҳажм массасининг ўзгаришига таъсири (г/см³), 2006 й.

2–Расм. Маккажўхори 8–10 барг чиқарганда тупроққа ишлов бериш усуллари ва маъдан ўғитлар меъёрининг тупроқ ҳажм массасининг ўзгаришига таъсири (г/см³), 2006 й.

2007 йил шароитида ҳайдаш чуқурлиги 28–30 см бўлиб маъдан ўғитлар N–100, P₂O₅–70, K₂O–50 кг/га меъёрда қўлланилган вариантда (назорат) маккажўхорини экиш олдида, 8-10 барглигида ва сут-мум пишишида тупроқни 0–30 сантиметрли қатламида ҳажм массаси мутаносиб равишда 1,40; 1,43 ва 1,43 г/см³ ни ташкил қилган ҳолда, бу кўрсаткичлар 2006 йилдагига нисбатан 0,0; 0,01 ва 0,01 г/см³ га камроқ бўлган. Бу сидератларнинг таъсири бўлганлигини кўрсатади. Нисбатан яхши натижалар ҳар иккала ҳайдаш чуқурлигида ҳам маъдан ўғитлари N–250, P₂O₅–175, K₂O–125 кг/га меъёрларда қўлланилганда олиниб 1,39–1,37; 1,40–1,38 ва 1,41–1,41 г/см³ ни ташкил қилди (3-расм).



3–Расм. Маккажўхорининг сут-мум пишиш даврида тупроқ ҳажм массаси (г/см³), 2006 й.

Бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан 0,01–0,03; 0,03–0,05 ва 0,02–0,02

г/см³ га, 2006 йилдагига караганда эса 0,01–0,05; 0,02–0,04 ва 0,02–0,01 г/см³ га камроқ бўлганлиги аниқланган. Энг юқори кўрсаткичлар 2007 йил шароитида сидератларнинг таъсирида олиниб, маккажўхорининг ривожланиш даврларига мутаносиб равишда 0–30 сантиметрли тупроқ қатламида ғоваклик (15-вариантда) 46,8; 45,3 ва 44,8 фоизни ташкил қилиб назоратдан 1,0; 0,7 ва 0,8 % га юқори бўлган.

Беданинг ўримларидан кейин изланиш йиллари қўлланилган маъдан ўғитлар меъёри ва тупроққа ишлов бериш чуқурлигига боғлиқ ҳолда тупроқдаги нитрат шаклидаги азот миқдорининг ўзгариши 2006 йил шароитида 1-ўримдан кейин тупроқ 28–30 см чуқурликда ҳайдалиб N–50, P₂O₅–70, K₂O–50 кг/га меъёрларда қўлланилган (назорат) вариантда 0–30 см қатламда нитратли азот миқдори 3,9 мг/кг ни, 30–50 сантиметрда эса 2,1 мг/кг ни ташкил қилган. Ваҳоланки бу кўрсаткичлар дастлабки ҳолатда 4,2 ва 2,3 мг/кг га тенг бўлган. Қўлланилган 50 кг/га азот таъсирида беда ўсимлиги ўзлаштирганидан кейин нитрат миқдори ҳайдов қатламида 0,3 мг/кг га камайганлиги аниқланган (1–жадвал).

1–жадвал

Тупроқдаги нитрат шаклидаги азот миқдорини ўзгаришига тупроққа ишлов бериш усуллари ва маъдан ўғитлар меъёрининг таъсири (мг/кг)

Вариант тартиби	Маъдан ўғитларнинг йиллик меъёрлари, кг/га			Тупроқ қатламлари, см	2006 йил		2007 йил			2008 йил		
					Беда ўримлари							
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O		1	2	1	2	3	1	2	3
Ҳайдаш чуқурлиги 28–30 см												
1	50	70	50	0–30	3,9	4,2	5,6	6,0	7,2	6,9	8,9	9,0
				30–50	2,1	2,4	2,8	3,4	3,5	3,5	4,1	3,5
3	75	120	100	0–30	4,0	4,3	5,9	6,2	7,6	7,0	9,1	9,2
				30–50	2,6	2,8	2,8	3,5	3,5	3,6	4,2	3,6
5	100	120	100	0–30	4,5	4,8	6,1	6,8	8,1	8,0	9,2	9,4
				30–50	2,7	2,9	2,9	3,6	3,6	3,8	4,3	3,7
7	125	120	100	0–30	4,6	4,8	6,7	7,1	8,2	8,1	8,9	9,5
				30–50	3,0	3,5	3,0	3,7	3,7	3,9	4,2	3,8
Ҳайдаш чуқурлиги 15–20 см												
10	75	120	100	0–30	4,8	5,0	6,6	7,2	8,3	8,3	8,9	9,6
				30–50	3,0	3,5	3,0	3,5	2,8	2,9	3,1	3,9
12	100	120	100	0–30	4,9	4,9	6,8	7,4	8,9	8,0	9,5	9,4
				30–50	2,8	2,9	3,1	2,9	4,1	3,5	3,8	3,9
14	125	120	100	0–30	4,9	5,1	7,1	7,1	8,8	8,4	9,2	9,3
				30–50	3,0	3,5	3,4	2,9	4,2	4,0	3,1	4,0

Тупроқдаги нитратли азот миқдорининг ўзгариши бевосита беда илдиз тизимининг ривожланишига боғлиқ бўлгани ҳолда ҳаракатчан фосфор миқдори қўлланилган фосфорли ўғитларга боғлиқлиги аниқланган (1–жадвал).

Диссертациянинг «**Ерга ишлов бериш ва маъдан ўғитлар меъёрининг кишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотларнинг биринчи йилида назорат вариантыда бедани 1-ўрим олдида баландлиги 62,8

сантиметрни, 2-ўрими олдидан эса 98,1 сантиметрни ташкил қилган ҳолда тупроқ 28–30 см чуқурликда ҳайдалиб ўғитлар N–75, P₂O₅–120, K₂O–100 кг/га меъёрда қўлланилган (3) вариантда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 72,6 ва 107,5 сантиметрни ташкил қилган ёки назоратга нисбатан 9,8 ва 9,4 сантиметрга юқори бўлган. Тупроққа 28–30 см чуқурликда ишлов бериб, ўғит меъёрларининг ортиши билан беда ўсимлигининг баландлиги ортганлиги кузатилган. Нисбатан энг юқори кўрсаткичлар N–125, P₂O₅–120, K₂O–100 кг/га меъёрда берилганда кузатилиб, назоратдан 17,6 ва 12,1 сантиметрга юқори бўлган (2-жадвал).

2-жадвал

Тупроққа ишлов бериш усуллари ва ўғитлар меъёрининг беда баландлигига таъсири (см)

Вариант тартиби	Маъдан ўғитларнинг йиллик меъёри			2006 йил		2007 йил			2008 йил			
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O	Беда ўримлари								
				1	2	1	2	3	1	2	3	
Ҳайдаш чуқурлиги 28–30 см												
1	50	70	50	62,8	98,1	67,9	86,0	64,5	66,2	62,9	70,3	
3	75	120	100	72,6	107,5	72,6	92,9	67,7	70,6	76,8	77,5	
5	100	120	100	78,5	104,5	76,8	96,3	73,5	74,0	78,1	74,5	
7	125	120	100	80,4	110,2	81,4	101,7	74,8	75,3	80,1	76,8	
Ҳайдаш чуқурлиги 15–20 см												
10	75	120	100	81,7	112,5	82,5	102,9	74,8	84,7	82,4	80,5	
12	100	120	100	88,7	112,4	89,6	110,5	82,4	85,9	89,5	83,4	
14	125	120	100	89,2	110,5	84,1	106,7	77,9	83,1	84,3	81,5	

Тупроқни ҳайдаш чуқурлиги 15–20 см, маъдан ўғитлар N–75, P₂O₅–120, K₂O–100 кг/га меъёрларда қўлланилган (10) вариантда беданинг баландлиги ўримларга мутаносиб равишда 81,7 ва 112,5 сантиметрни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан 18,9 ва 13,9 сантиметрга, қолаверса шу меъёрларда ўғитланиб тупроқ 28–30 см чуқурликда ҳайдалган (3) вариантга нисбатан эса 9,1 ва 5,0 см юқори бўлган. Ҳайдаш чуқурлигининг камайиши билан бедада қўлланилган маъдан ўғитларни самарадорлигини ортишига сабаб қумли тупроқларда нисбатан чуқурроқ ҳайдалганда тупроқ намлигининг кўпроқ йўқолиши ва суғориш натижасида эса сувни пастки қатламларга кўпроқ сингиши натижасида исроф бўлиши кузатилган.

2006 йил шароитида беда ўримиининг биринчи йилида 2 та ўримда (назорат вариантыда) 33,3 ц/га ҳосил олиниб, озиқа бирликлари 16,400 ц/га ни, ҳазм бўлувчи протеин миқдори эса 3,780 ц/га ни ташкил қилган. Тупроқни ҳайдаш чуқурлиги 28–30 см, маъдан ўғитлари N–75, P₂O₅–120, K₂O–100 кг/га миқдорда қўлланилган (3) вариантда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 35,2 ц/га, 17,870 ва 4,145 ц/га ни ташкил қилган ҳолда, назоратдан 1,370 (озиқа бирлиги) ва 0,365 ц/га (ҳазм бўлувчи протеин) кўпроқ бўлганлиги аниқланган. Қўлланилган маъдан ўғит меъёрлари N–100, P₂O₅–120, K₂O–100 кг/га дан N–125, P₂O₅–120, K₂O–100 кг/га ортиши (ёки азотли ўғитлар меъёри) билан беда пичани таркибидаги озиқа бирликлари 19,000–20,800 ц/га ва ҳазм бўлувчи протеин миқдори 4,410–4,800 ц/га ортганлиги кузатилган. Тупроқни ҳайдаш чуқурлиги 15–20 см бўлган

вариантларда қўлланилган маъдан ўғитлар меъёридан қатъий назар 28–30 сантиметрли ҳайдашга нисбатан озика бирликлари ва ҳазм бўлувчи протеин миқдорларининг кўпайганлиги аниқланган (3-жадвал).

3-жадвал

Тупроққа ишлов бериш усуллари ва маъдан ўғитлар меъёрининг беда пичани маҳсулдорлигига таъсири, ц/га

Вариант тартиби	Маъдан ўғитларнинг йиллик меъёрлари, кг/га			2006 й			2007 й			2008 й		
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O	2-ўримда пичан ҳосили	Озика бирлик-лари	Ҳазм бўлувчи протеин	3-ўримда пичан ҳосили	Озика бирлик-лари	Ҳазм бўлувчи протеин	3-ўримда пичан ҳосили	Озика бирлик-лари	Ҳазм бўлувчи протеин
Ҳайдаш чуқурлиги 28–30 см												
1	50	70	50	33,3	16,400	3,780	83,5	42,5	9,1	68,4	32,7	8,0
3	75	120	100	35,2	17,870	4,145	112,4	54,8	12,8	86,4	42,5	10,4
5	100	120	100	37,6	19,000	4,410	125,0	60,7	14,0	92,5	43,8	11,8
7	125	120	100	39,2	20,800	4,800	130,4	63,5	15,8	100,5	48,4	12,6
Ҳайдаш чуқурлиги 15–20 см												
10	75	120	100	37,7	19,200	1,410	127,5	61,8	13,9	107,5	52,1	12,9
12	100	120	100	41,8	22,100	5,700	145,4	70,1	16,9	118,5	58,2	13,9
14	125	120	100	43,8	23,700	6,100	150,1	72,0	17,1	114,2	60,1	14,2
ЭКМТ ₀₅				1,73			3,52			3,18		

Беда ўримиининг 2-йилида ҳам барча вариантлардаги фарқлар сақланиб қолган ҳолда пичан сифати янада яхшиланганлиги кузатилган. Ҳатто назорат вариантыда ҳам 2006 йилга нисбатан 2007 йили беда пичани ҳосили ва унинг таркибидаги озика бирликлари 16,4 дан 42,5 ц/га, ҳазм бўлувчи протеин миқдори эса 3,78 дан 9,10 ц/га ортган. Бу ҳолат беда ўсимлигининг биринчи йилида илдиз тизимининг яхши ривожланмаганлиги билан изоҳланган. Қўлланилган маъдан ўғитлар меъёрининг таъсири 2007 йили нисбатан юқори бўлган. Ҳайдаш чуқурлиги 28–30 см бўлганда энг юқори озика бирликлари ва ҳазм бўлувчи протеин миқдорлари ўғитлар N–125, P₂O₅–120, K₂O–100 кг/га меъёрда қўлланилганда олинди, мутаносиб равишда 130,4 ва 63,5 ц/га ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар N–100, P₂O₅–120, K₂O–100 кг/га қўлланилган вариантга нисбатан 5,4 ва 2,8 ц/га ортиқроқ бўлган, лекин ҳайдаш чуқурлиги 15–20 см бўлган параллел (14) вариантга нисбатан эса 8,5 ва 1,3 ц/га камроқ бўлган. Тажрибада беда пичани таркибидаги озика бирликлари ва ҳазм бўлувчи протеин миқдорлари ҳайдаш чуқурлиги 15–20 см бўлиб, N–125, P₂O₅–120, K₂O–100 кг/га меъёрда қўлланилганда олинган ва 72,0 – 17,1 ц/га ни ташкил қилган (3-жадвал).

2006 йил маккажўхорида олиб борилган тажрибанинг назорат вариантыда 3 қайтариқдан ўртача яшил масса ҳосили 405,2 ц/га ни ташкил қилган бўлса, кейинги (2007–2008) йиллари 415,1 ва 368,2 ц/га ни, 3 йилда ўртача 396,2 ц/га ни ташкил қилган. Тупроқнинг ҳайдаш чуқурлиги 28–30 см бўлган вариантлар орасида энг юқори кўрсаткичлар N–300, P₂O₅–210, K₂O–150 кг/га меъёрда қўлланилганда олинди изланиш йилларига мутаносиб равишда 693,3; 722,0 ва 563,0 ц/га ни ўртача 3 йилда 659,4 ц/га ни ташкил

қилган. Бу кўрсаткичлар назорат вариантыдан 288,1; 306,9; 196,5 ва 264,0 ц/га юқори бўлган. N–250, P₂O₅–175, K₂O–125 кг/га меъёрда қўлланилган вариантда силос масса ҳосили 3 йилда ўртача 608,1 ц/га ни ташкил қилиб, қўшимчаси 212,5 ц/га га тенг бўлган. Бу вариант (8) билан N–200, P₂O₅–140, K₂O–100 кг/га қўлланилган вариант орасидаги силос ҳосили бўйича фарқ 52,5 ц/га ни ташкил қилган ҳолда N–150, P₂O₅–105, K₂O–75 кг/га қўлланилганда эса 106,3 ц/га га тенг бўлган. Яна сидератлар қўлланилган (2007) йили ҳам вариантлар орасидаги фарқлар 97,3; 92,8 ва 18,9 ц/га тенг бўлган. Маъдан ўғитлар меъёри N–300, P₂O₅–210, K₂O–150 кг/га қўлланилган вариантда сидератларнинг таъсири нисбатан камроқ бўлганлиги кузатилган. Бу эса 2007 йили N–250, P₂O₅–175, K₂O–125 кг/га мақбул меъёрлари эканлигини кўрсатади (4-жадвал).

4-жадвал

Маккажўхори яшил массаси (силос) ҳосилига тупроққа ишлов бериш усуллари ва маъдан ўғитлар меъёрининг ҳамда сидератларнинг таъсири, ц/га

Вариант тартиби	Маъдан ўғитларни йиллик меъёрлари, кг/га			2006 йил		2007 йил		2008 йил		3 йилда ўртача	Қўшимча ҳосил	
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O	Ўртача 3-қайтарикдан	Қўшим-часи	Ўртача 3-қайтарикдан	Қўшим-часи	Ўртача 3-қайтарикдан	Қўшим-часи		ўғитдан	Тупроққа ишлов бериш усулидан
Ҳайдаш чуқурлиги 28–30 см												
2	100	70	50	405,2	–	415,1	–	368,2	–	396,2	–	–
